



Халқ сўзи


Ўзбекистон —
КЕЛАЖАГИ
БУ ЮК
ДАВЛАТ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 22 май, № 98 (4251)

Сешанба



Мавсум

КАТТА СИНОВ БЎСАҒАСИДА

Дон — ризқ-рўз, тириклик рамзидир. Халқимиз ундан тайёрланган хилма-хил мазадаги нонларни азиз нэъмат сифатида ҳамisha қадрлаб келган. Албатта, бу нэъматни етиштирувчи Ҳазрати деҳқон ҳам доимо иззат-хурматда.

Шу кунларда мамлакатимиз далаларини айланган кишининг кулфи-дили очилади. Зеро, деҳқон минг машаққат билан парваришлаган галла бошоқлари тўлишиб, тош босмоқда.

Жорий йилда музрободлик галлакорлар 11179 гектар майдонда галланинг "Чиллаки", "Марс", "Крошка" каби серхосил навларини парвариш қилишмоқда. Айни чоғда, тез орада бошланажак галла ўрими-йиғимига ҳам пухта ҳозирлик қўриляпти. Хусусан, Музробод МТП тасарруфидоги йиғирмага яқин комбайн мавсумга шай қилиб қўйилди. Шу билан бирга, механизаторларга сифатли сервис хизмати кўрсатувчи 3 та гуруҳ ташкил этилиб, ёнлиги-мойлаш маҳсулотлари таъминотида узилиш бўлмаслиги чора-тадбирлари қўрилмоқда.

СУРАТЛАРДА: комбайнлар ўрими-йиғимга шай; механизатор Анвар Пўлатов.

Искандер ХУҲАЕВ (ЎЗА)
олган суратлар.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Кеча қўйи палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасида "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳар ва пойтахт вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Маълумки, бугунги кунда одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланиши дунёдаги энг глобал муаммолардан бири саналади. Шу боис бу салбий ҳолатнинг олдини олиш масаласига бепарволик билан қараб бўлмайди. Мамлакатимизда ушбу йўналишда олиб борилаётган ижобий савий-ҳаракатлар, қўриляётган чора-тадбирлар юқорида номи қайд этилган кўнун асосида амалга ошириляётгани йиғилиш иштирокчилари томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республика, вилоятлар ва шаҳар ОИТС марказлари, жумладан, Тош-

кент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳокимлиги, унинг тегишли бошқармалари томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлар ўтказилмоқда. Қонуннинг бажарилиши бўйича қатор мезърий ва идоровий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, ҳукуматимиз ушбу эпидемиянинг олдини олиш бўйича қатъий чоралар кўраётир.

Қайд этилганидек, бу йўналишда ҳали бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар ҳам бор. Масалан, аҳолининг ОИВ/ОИТС масалалари бўйича хабардорлигини таъминлаш ишларини етарли деб бўлмайди. Бу борада мактаб ўқувчилари ва талабалар учун дарс-

ликлар йўлини асосий муаммолардан биридир. Касалликнинг олдини олиш борасида кадрлар етишмовчилиги мавжуд бўлиб, бу ҳолат кўпроқ ИИВ тизимида кузатиляпти. Йиғилишда, шунингдек, ОИВ/ОИТС бўйича тадбирларнинг амалга ошириш юзасидан ресурслар ажратишда мутаносибликка эътибор бериш кераклиги ҳам таъкидланди.

Йиғилиш якунида қўрилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида Қашқадарё вило-

яти оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида "Парламент ва ОАВ ҳамкорлиги" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тақлиф ва мулоҳазаларга бой бўлган тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг эркин ва демократик шароитда фаолият кўрсатиши учун барча имкониятлар яратилиши тўғрисида ҳамда уларнинг касб маҳоратини ошириш бўйича аниқ дастурлар ишлаб чиқилган. Тахририятлар моддий-техника базасини мустақамлаш бўйича бир қатор ижобий йўтуқлар кўзга ташланмоқда. ОАВ фаолиятини янада тақвиятлаш бўйича қабул қилинган "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги

Қўнун эса бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Парламент фаолиятини тақвиятлаштиришда депутатларнинг журналистлар, айниқса, вилоятларда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорлиги низоҳатда муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан давра суҳбатида воҳалик ижодкорлар бежиз тақлиф қилинмади. Зеро, журналистика соҳасидаги "Олтин қалам" миллий мукофоти бош соврини бу йил айнан Қашқадарё вилоятининг "Қашқадарё" газетаси тахририятига насиб этди. Тахририят ҳодимлари қўйи палата фаолияти ҳақида батафсил гапириб берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари М.Сафеева иштирок этди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ОИЛАДАН БОШЛАНУР ВАТАН

Оила — муқаддас даргоҳ. Жамиятнинг мўъжазига бўлаги. Оилани, айниқса, ёш оилаларни мустақамлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оёққа туриб олишида қўмақлашиш — бу жамият ва унинг келажаги ҳақида ғамхўрлик демак. Ахир, бугун ёш оилаларда камол топаётган болалар жамиятимизнинг, ҳур ва озод мамлакатимизнинг эртаси, келажагимиз эгаларидир. Болаларимизнинг соғ-омон улғайиши, ота-онасига, туғилиб ўсган жонажон юртига, улғу аждодларига муносиб ёшлар бўлиб вояга етиши, замонавий билимларни пухта эгаллаши эса аввало оиланинг тўқислигига, моддий жиҳатдан таъминланганлигига боғлиқ.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга ошириляётган улкан бунёдкорлик ишлари, барча соҳалардаги чуқур ислохотлар, маданий-маънавий эврилишлар моҳиятига тэрароқ назар солинса, бу савий-ҳаракатларнинг туб замирида инсон ва унинг манфаатлари, оилаларимиз тўқинлиги ва фаровонлиги, фарзандларимизнинг ҳеч нарсадан зорикмай, ўсишларига эришишдек эзгу мақсад ётганини яққол кўриш мумкин. Зотан, Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!" дея таъкидлаганлиги, ҳар бир йилни "Оила йили", "Аёллар йили", "Оналар ва болалар йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" каби номлар билан атаб, давлат сийсатини, раҳбарларимиз эътиборини ҳудди ана шундай эзгу мақсадларни рўйба қаршига йўналтирилганлиги ҳам бежиз эмас. Шу баҳона инсон ва унинг манфаатлари билан боғлиқ, муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган фармон ва қарор қабул қилинганлиги замирида ҳам Ўзбекистоннинг буюк келажагини бунёд этиш, шу қўтул юрт одамларининг, ўсиб келаётган ёш авлодининг орзу-мақсадларини тезроқ рўйба қаршишдек улғу мақсад ётганини барчамизга аён.

Кўни кеча матбуотда эълон қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармони ҳам инсон ва унинг келажагига бўлган ғамхўрлик ва эътиборнинг ажойиб намунаси сифатида мустақил мамлакатимиз тарихи зарварларида муҳрлиб қолиши, шубҳасиз.

Фармонда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш янада кучайтириш, ёшларимизнинг меҳнат фаолиятини бошлашларида ва мустақил ҳаётга кириб келишларида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, оилаларини таъминлашлари учун уларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш йўллари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга доир қўллаб-қувватлаш масалалар қамраб олинган. Таъбир жоиз бўлса, мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда Юрбосимиз раҳнамолигида ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш ва уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашнинг яна бир ёрқин намунаси бўлиб, дейиш мумкин.

Шунингдек, Фармонда республикамиздаги тегишли вазирлик ва идоралар, банклар ва жамоа ташкилотлари зиммасига мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида янги иш ўринларини очиб, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик ишларига фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишларини ташкил этишлари учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, уларга имтиёзли равишда қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандли-

гини тақсимлаш ва ёш оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун зарур шароитлар яратиш вазифалари юклатилган. Ўз навбатида ёш оилаларга уй-жой сотиб олишлари ва қуришлари учун ҳар томонлама қўмақлашиш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам бериш, уларга сифатли таълим, тиббий, ҳуқуқий, ахборот, малаҳат ва бошқа, жумладан, болалар соғлигини сақлаш ва тарбиялаш таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатиши ҳам белгиланган.

Фармонда ёшларимиз ҳаётида, турмуш тарзида катта ўзгаришлар шакллантирган бу тарихий ҳужжатда ёш оилаларни маънавий қўллаб-қувватлашнинг қайтириши, ёшларга ўзи қўрган янги оила учун гурур ва масъулият ҳиссини, ота-онига, кек-

са авлод вакилларига ҳурмат ва эҳтиром, меҳнат қилиш ва халқимизнинг боқий маънавий қадриятлари руҳида бола тарбиялашга интилиш туйғуларини шакллантириш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ёшларнинг никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларини ўтказишларида қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш вазифалари ҳам қўйилганки, бундай ҳайрли ва савобли ишлар ўз навбатида ёшлар, ёш оилалар вакиллари қалбида ўз Ватанига, халқига ҳурмат-эҳтиром туйғуларини уйғотиши табиий. Ҳар бир оиланинг ҳаётда ўз ўрнини топиб олишига, зиммасидаги бурчини чуқурроқ идрок этишига, фарзандлари тарбиясидаги мустақам замин бўлиши шубҳасиз.

Юртимиз бугунги ва эртасини қўллаб-қувватлашнинг янада кучайтириш, ёшларимизнинг меҳнат фаолиятини бошлашларида ва мустақил ҳаётга кириб келишларида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, оилаларини таъминлашлари учун уларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш йўллари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга доир қўллаб-қувватлаш масалалар қамраб олинган. Таъбир жоиз бўлса, мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда Юрбосимиз раҳнамолигида ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш ва уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашнинг яна бир ёрқин намунаси бўлиб, дейиш мумкин.

Шунингдек, Фармонда республикамиздаги тегишли вазирлик ва идоралар, банклар ва жамоа ташкилотлари зиммасига мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида янги иш ўринларини очиб, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик ишларига фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишларини ташкил этишлари учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, уларга имтиёзли равишда қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандли-

жой қуришимиз ёки сотиб олишимиз, ҳужагимизни тиклашимиз, замонавий мебель ва бошқа жиҳозлар харид қилишимизга қўмақлаш учун давлатимиз томонидан фақат шу йилнинг ўзида 50,0 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилмапти экан. Бу юзлаб, минглаб ёш оилаларга фаровонлик ва фойда-барак кириб боради, дегани Ёшим 26 да. Уйланганимга энди икки йил бўлди. Ширингина фарзандимиз бор. Тадбиркорлик билан

(Давоми 2-бетда).

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ИТАЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКISTONДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Италия Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, сенатор Джанни Вернетти раҳбарлигидаги делегация 21 май кўни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари Фарруха Муҳиддинова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги алоқалар қўллаб-қувватлаш бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Музокарада Ўзбекистон ва Италия олий қонун чиқарувчи органларининг ҳамкорлигини янада ривожлантиришга оид масалалар, парламентлараро алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқбол юзасидан фикр алмашилди. — Юртингизга ушбу ташрифдан мақсадимиз —

деди Джанни Вернетти журналистлар билан суҳбатда, — мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни барча соҳаларда, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда янада кенгайтириш ва мустақамлаш имкониятларини кўриб чиқишдан иборат. Италия делегацияси Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

(ЎЗА).

ТЕХРОНДА САМАРҚАНД ВА МАРҒИЛОНГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ

Яқинда Эрон пойтахтида жойлашган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) Маданият институтида Самарқанднинг 2750 йиллиги ва Марғилоннинг 2000 йиллиги бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг Эрондаги элчихонаси томонидан ташкил этилган ушбу илмий-амалий анжуманда Эрон ижтимоий-сиёсий доираларининг кўзга кўрилган вакиллари, халқаро экспертлар, ИХТ Маданият

институтини раҳбарлари, Насриддин Тўсий жағмармаси ҳодимлари, журналистлар, шунингдек, XX халқаро китоб кўргазмасида иштирок этиш учун Техронга ташриф буюрган Ўзбекистон делегацияси аъзолари қатнашди. Учрашув қатнашчилари эътиборига Самарқанд ҳамда Марғилоннинг тарихи ва бугунги кўни тўғрисида ҳикоя қилувчи қизиқарли маълумотлар ҳавола этилди. Таъкидланганидек, Ўзбекистонда ёш

авлодни миллий гурур ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этадиган муҳим саналарни нишонлаш яхши аънамага айлиниб қолган. Шунингдек, юбилейлар доирасида амалга ошириляётган тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам меҳмонларга атрафлича маълумот берилди.

(Давоми 3-бетда).

КОНИМЕХДА КИЧИК КОРХОНА

Навоий вилоятининг Конимех туманидаги "Маданият" ширкат ҳўжалигида кейинги уч йилда қоракўл қўйлар сони 11 минг бошга өтди. Бу ерда қоракўлчилик билан биргаликда туя ва йилқиччилик ҳам кенг ривожлантаётир. Айни пайтда яйловларда минг бошга яқин туя ва 400 бош от боқилмоқда.

Чорвадан олинаётган қоракўл тери ва жун маҳсулотлари илгари арзон нархда сотиб юбориларди. Яқинда ҳўжаликда "Гуллар" деб номланган кичик корхона иш бошлади. Унга тадбиркор Абдурауф Кучеқбоев раҳбарлик қилмоқда. Корхона ишга тушган, йиғирма нафар уй бекаси иш билан таъминланди. Бу ерда қоракўл терилар қайта ишланиб, ундан иссиқ кийим-кечак, бош кийим ва пойфазаллар ва чўпонлар учун махсус коржомалар тайёрланмоқда.

— Ҳўжаликка қарашли Нурмахан яйловида кўй боқамиз, — дейди илгор чўпон Сердали Тасбергенов. — Ҳўжалик марказида кичик корхона очилгани ишимизни анча осонлаштирди. Эндликда кийим-кечак учун узоққа бориб юрмаймиз. Узимизда ишлаб чиқариляётган бу маҳсулотларнинг сифати яхши, нархи эса анча арзон.

Ёрқул УМАР,
ЎЗА мухбири.


ТУПРОҚЛАРИ ТИЛЛО ЮРТ

Истиклолнинг ўн олти йиллигини барча ижтимоий-иқтисодий жаҳаларда арзугулик натижадор билан қўтиб олишга бел болаган қоракўлчиликчилар учун жорий йил май ойининг ўн еттинчи санаси алоҳида тарихий ва табаруқ бўлиб қолажак. Шу кўни мамлакатимиз Президентини жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга ошириляётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Қоракўлчилик Республикасида бўлди. Нукус ва Элобод шаҳарларида, Ҳўжайли, Қангликўл, Кўнгирот туманларидаги қишлоқ мулкдорлари, фермерлар билан бевосита дала бошидаги самимий суҳбатларда бугунги улғувор интилишларимизнинг энг муҳим жиҳатлари таҳлил этилди. Қадрдонлик ёғдуси билан чуқур маъно касб этган суҳбатларда Мустақиллик шарофати оддий, лўнда нисолларда ўз аксини тоғди.

Мустақиллик мевалари


Юртбошимиз Кўнгирот сода заводига ҳам ташриф буюрдилар. Завонднинг 1400 кишилик жамоаси бу ерга йиғилган ишлаб чиқариш илгорлари, қоракўлчилик дйёрининг машур инсонлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, зиёдилар, меҳнат фахрийлари билан учрашув, аввал хабар қилингандек, халқ вакиллари билан мамлакат Президентининг самимий суҳбатига айлиниб кетди. Қўйдаги таассуротларимиз айнан ушбу тарихий ташриф таассуротлари ва кўнгиротликларнинг заводдаги қайноқ меҳнат фаолияти хусусида.

Кўнгирот — мамлакатимиздаги катта имконият ва ресурсларга эга бўлган туман. Туман ҳудуди 74,49 минг кв. километр бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ер майдонининг 12 фоизини ташкил қилади. Бир томонда Орол денгизи, унинг атрофида эса Устюрт ластекилиги ястаниб ётибди. Дунёдаги қўллаб-қувватлаш ва нефть корпорацияларининг бугунги кўнда айнан шу минтақа билан жуда қизиқайтганлиги ҳам бехуда эмас. — Мамлакатимиз раҳбарининг ташриф кўнгиротлик ҳар бир фуқаро учун фарх ва ифтихоридир, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлиси Сенати аъзоси Пароҳат Қалимбетов. — Юртбошимизнинг ту-



ман иқтисодийтини юксалтириши, янги заводнинг келажаги ҳақида айтган ибратли гаплари бизнинг келажақда бажарадиган юмушларимизга дастуриламал бўлди. Элободдаги учрашуларда айтилганидек, айни пайтда туманда қўшма корхоналар тузиш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва шулар асносида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш бўйича самарали ишлар олиб бораялми. 2004 йилда Россия Федерацияси билан ҳамкор-

(Давоми 2-бетда).



(Давоми. Боши 1-бетда).

ТУПРОҚЛАРИ ТИЛЛО ЮРТ

ликда «Йилгиликгаз» қўшма корхонаси ишга туширилган эди. Бу корхона газ конденсат маҳсулотидан суткасига 150 тонна бензин, керосин ва дизел ёнилғиси ишлаб чиқаради. Корхонада маҳаллий мутахассислар меҳнат қилишмоқда. Россия Федерациясининг «Газпром» ва «Зарубежнефтегаз» компаниялари томонидан ташкил қилинган қўшма корхоналарда маҳаллий аҳоли вакиллари, айниқса, ёшларни ишга олиш, уларнинг малакаси ва маҳоратини ошириш бўйича анча ишлар қилинди. Сода заводининг ишга тушиши нур устига аъло нур бўлди. Утган йили Кўнғирот санат касб-хўна колледжининг 569 нафар ўқувчиси қайта малакаланиб заводга ишга юборилди.

Биз Кўнғирот сода заводи сари, яъни саҳро орқали Кийикойга йўл олдик. Гўё бу йўлда Осие ва Оверупо нафаси Оролбўйларидан эсан насимлар билан қайта қуришгандай... Негаки, бу йўл Қозғистон орқали Эдил-Волга бўйига, Самарга олиб боради. Таъбир жоиз бўлса, Буоқ Илак йўли қаровларининг кўнғиротлари яна садо бергандай бўлди бу йўлда.

Элобод Кўнғиротдан 40 км. на шимолроқда экан. Раён йўллари бизни бир пасда янги қўнғирот олиб чиқди. Қўнғиротнинг бирдангина ўзининг қўнғиротлари уйлари, ётоқхоналари, кўркам мактаб ва муассасалари, ям-яшил боғлари билан мўъжаз шаҳарча пайдо бўлди. Унинг шундоқ биқинида эса муаззам бир корхона савлат тўкиб турибди.

— Президент билан учрашув ҳаётимдаги энг бахтли кундир, — дейди завод бош муҳандиси Абат Рамбергенов. — Бироқ, бу кун жамоамиз учун ун қарра бахтироқдир десам, янада тўғрироқ бўлади. Ҳа, гигант заводимиз биз ҳеч қимдан кам эмаслигимизни, кам бўлмаслигимизни кўрсатиб турибди. Қолаверса, Устюрт эпоеяси Элободдан кейин Оқшўлоқда, Ургада, Сурғилда, Учсойда давом этади. Бу ишларнинг тепасида ўзини наинки ўзбек, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди деб ҳисоблаган Президентимиз турганлигидан фахрланамиз.

— Корхонада ишлаб чиқарилган бу маҳсулотлар қаерда ва Украинада мавжуд эди. Кўнғирот сода заводи улардан-да қўдратли ва замонавийдир. Чунки сода ишлаб чиқаришда таркибий маҳсулотларини узоқдан эмас, шундоқ энг яқиндан ола-миз. Борса-қелмасдаги тез ва Жамансойдаги оққан қанбақлари бизнинг асосий мабдаларимиздир. Энди кальцийлаштирилган соданнинг халқ ҳўжалигимиздаги самарасига келсак, у асосан,

ойна, шиша заводлари, резина-техника корхоналарига қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун су билан ҳаводай зарур. Утган йили завод 12,8 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарди. Бундай маҳсулотларнинг чет элларда ҳам хариди чакрон. Демак, завод нафақат мамлакат ишлаб чиқаришини юксалтиришга хизмат қилади, балки хориждан катта миқдорда валюта олиб қиради.

— Мутахассис кадрлар малакаси ҳам олдиндан хал этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 13 апрелдаги «Кўнғирот сода заводи учун кадрларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш тўғрисидаги қарори асосан, Тошкент қимё-технология институтининг, Кўнғирот сода заводи қошида махсус сиртки бўлими ташкил қилинди, — дейди ушбу бўлим декани, техника фанлари номзоди, доцент Қобилжон Муҳаммадиев. — Мазкур бўлимда «Кимёвий технология», «Электротехника, электромеханика, Электротехнология», «Технология машина ва жихозлар», «Муҳандислик коммуни-кациялари қурилиши» талим йўналишлари бўйича ёш кадрларни тайёрлаш амалга оширилмоқда. Махсус сиртки бўлим бевосита завод ҳудудидан жойлашган бўлиб, замонавий ўқув-лаборатория хона-лари, компьютер сиффлари ва кутубхонага эга. Ўқув жараёни-ларига Бердақ номидаги Қо-рақалпоқ Давлат университети, Тошкент қимё-технология ва Тошкент архитектура қури-лиш институтларининг юқори салоҳиятли профессор-ўқитув-чилари жалб этилган.

Ҳа, Кўнғирот сода заводи тўла қувват билан ишламоқ-да. Мамлакатимиз иқтисодиёти ўзининг қўдратли таян-чи эга бўлди. Шу тўғрисида бу ерда ишчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилётганининг гувоҳи бўлдик. Жумладан, Элобод қўнғиротда буғун да-волаш-профилактика маркази, 320 ўринли мактаб, 95 ўринли болалар боғчаси, клуб, кутубхона, ҳаммом ва новвоҳоналар ишлаб туриб-ди. Хар бири 96 хонадан иборат 6 та ётоқхона ишчилар хизматига. Бундан ташқари, кичик оилалар учун алоҳида яшаш масканлари ҳам барпо этилмоқда. Хуллас, ушбу ҳам, баъзи бир объектлар ҳам бирин-кетин фойдала-нишга топширилмоқда. Эло-боднинг обод гўшаларида ҳаёт қизган давом этаётир.

Табиийки, Кўнғирот сода заводи — навқирон корхона. У ердаги технологик жараён-ларнинг жиловы малакали

қўлларда. Зеро, ушбу корхона-нинг қурилиши, ишга туши-рилишида ҳам мамлакатимиз-нинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ин-теграцияга иштироки яққол намоён бўлди. «СИТИК» ком-паниясига мансуб хитойлик мутахассислар уларни ўрнат-ган технологик линияларнинг ишланшини назорат этиш би-лан биргаликда маҳаллий кадрларга мураббийлик ҳам қилишмоқда. Айни чоғда «Ўзкимёсанот» давлат акция-дорлик компанияси мустақил мамлакатимиз қимё саноти корхоналаридан энг малака-ли 100 нафар мутахассис, му-ҳандис-техник ходими Эло-бодга йўллади. Улар ҳам қорақалпоқ ёшларига ўз таж-рибаларини ўргатишмоқда.

Айни дамда заводнинг 6 та цехи пешма-пеш ишлаб турибди. Сода заводини ош тузи, оҳақтош билан таъмин-лайдиган ҳудудларда ҳам юз-лаб янги иш ўринлари, иж-тимой инфратузилма барпо этилмоқда, коммуниқация ри-вожланмоқда, янги темирўл-шохбачалари қурилмоқда.

Хуллас, Устюртда бир эмас, бир неча бекиёс лойи-ҳалар ишланмоқда, Кўнғирот, қолаверса, Қорақалпоғис-тон улкан иқтисодий-ижтимоий йўлини аввалдаги ту-рибди. Бу йўл ёруғ истикбол сари элтишига шўбха йўқ!

Энг муҳими, «Кўнғирот — Бейнов» автомобил йўли жа-дал сўрғатларда бунёд эти-лаётир. У наинки Қорақал-поғистон, балки мамлакат коммуниқация солномасида янги саҳифа очади.

Қорақалпоқ элида «Дав-латлининг насибаси қўша-қўша қелади», деган нақл бор. Сода заводи Қорақал-поғистон иқтисодиётида янги даврни бошлаб берди. Энди экологик муаммоларни изчил хал қилаётган замин иқтисо-ди янада юксалмоқда. Уст-юрт замида хорижнинг етакчи компаниялари, бошқа бир қатор турдоқ фирмалар углеводород захираларини ўзлаштириш борасида ҳам-корликни аллақачоқ бош-лаб юборишган. Айни кунда бутун мамлакатнинг ниғоши шу ердаги мўъжазгина Оқшў-лоқ шаҳарчасига қаратил-ган. Бу ерда ҳаубий корей-лик ҳамкорларимиз билан лойиҳа-смета қиймати 1 миллиард 100 минг АҚШ доллари турадиган улкан қимё мажмуаси қуриш учун танланган ер майдонига рамзий қозқ қўқилди. Не-гаки ҳудудда қимё саноти-нинг чинакам «нони» ҳисоб-ланган Сурғил табиий газ қони бор. Мутахассислар-нинг ҳисоб-китобига қўра, бу газ суюқ азот ёрдамида 170-180 даража цельсийда сову-тилганида, унинг таркибида-ги пропилен суволади ва нав-батдаги технологик жараён натижасида полиэтиленга айлантирилади. Қўнғиротлик мутахассислар Жанубий Ко-реянинг айнан шундай қимё мажмуасида бўлиб қайтиш-ди. Улар хомашёни араб мамлакатларидан денгиз орқали олиб қелишган экан. Бизда эса хомашё өғми-мизнинг тағида тўшалиб ётибди.


Хуллас, Устюртда бир эмас, бир неча бекиёс лойи-ҳалар ишланмоқда, Кўнғирот, қолаверса, Қорақалпоғис-тон улкан иқтисодий-ижтимоий йўлини аввалдаги ту-рибди. Бу йўл ёруғ истикбол сари элтишига шўбха йўқ!

Эсирғаб БОЛИЕВ,
Янгибой КЎЧҚОРОВ.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Оламни кўриш бахти

Яқинда очилган Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказида катарактани йўқотиш ва сунъий гавҳар қўйиш бўйича қатор жарроҳлик операциялари қилинаётир.



Кўз касалликларидан азият чекаётган 150 нафардан ортиқ киши яна кўриш қобилиятига эга бўлади. Уларнинг аксарияти имтиёз-ли тоифадаги беморлардир. Мазкур қўшма лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирли-ги, Исроилнинг республи-камиздаги элчихонаси ва ушбу мамлакатнинг «МА-ШАВ» халқаро ҳамкорлик маркази томонидан амал-га оширилмоқда. Лойиҳа-да иштирок этиш учун Тель-Авивдан Тошкентга етакчи жарроҳлар ташриф бурди.

Улар ўзбекистонлик ши-фокорлар билан биргалик-да катарактани фазоэммуль-

сификация қилиш бўйича юқори технологияли опе-рацияларни амалга ошира-ди. Бунинг учун марказ барча зарур замонавий а-ппаратура билан жиҳозлан-ган. Лойиҳада ўзбекистон-лик ёш офтальмологлари кўз жарроҳлиги бўйича ил-гору услублар асосида ўқитиш ҳам кўзда тутилган.

Бу ушбу йўналишдаги бешинчи лойиҳа ҳисобла-нади. Аввал исроиллик оф-тальмологлар Қарши, Тер-миз, Шаҳрисабз ва Нукус-да иш олиб бордилар. На-тижада иш олиб борилган-ти турли вилоятлардан 450 нафардан ортиқ киши яна кўриш бахтига муяссар бўлди.

Долзарб

мавзудаги семинар

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузур-даги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар шаҳар ва туманлари, пойтахт туманлари ҳоким-ларининг қўшма қўрилмиш, коммуниқация, коммунал ҳўжалик ва ободонлаштириш масала-лари бўйича ўринбосарларининг малака ошириш курси ташкил этилди.

Унинг очилишида маз-кур академия ректори Қ.На-заров, «Давархитектуре-лиш» қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Т.Мах-сумов мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳала-рида изчиллик билан амал-га оширилётган ислохот-лар жараёнида шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини яна-да кўркамлаштириш, бунёд-корлик, қурилиш-таъмир-лаш ва ободонлаштириш ишлари алоҳида ўрин ту-тишини таъкидладилар.

Бугунги кунда юртимиз шаҳар ва қишлоқлари таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзаллашиб, янгидан-янги магистрал йўллار, кўприклар, ишлаб чиқариш корхоналари, тураржойлар, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш муассасалари, боғ-роғлар ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Айни пайтда буюқ ажодларимизнинг номи билан боғлиқ муқад-дас масканлар, кадимки ёд-горликлар, зияратгоҳлар обод этилмоқда.

Бир ҳафта давом этади-ган машғулотларда жамия-тимиз ҳаётининг барча со-ҳалари, жумладан, капитал қурилиш, коммуниқация, коммунал ҳўжалик ва обе-донлаштириш соҳаларида амалга оширилаётган ту-б ислохотларнинг мазмун-мо-ҳияти, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳамда истиқболда-ги вазифаларни амалга оширишда соҳа раҳбар хо-димларининг долзарб вазифаларига оид масалалар муҳокама этилади.

Тегишли вазирлик, идо-ра, қўмиталар раҳбарлари, олимлар иштирокида Ўзе-бекистонда шаҳарсозликни ривожлантиришнинг усту-вор йўналишлари, бу соҳа-да бошқарув маҳоратини юксалтиришнинг долзарб масалалари, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва ташқи сиёсатнинг усту-вор йўналишлари билан боғлиқ мавзуларда машғу-лотлар, давра суҳбатлари, интерфал мулоқотлар бўлиб ўтади.

Меъморчилик талаби

Навоий шаҳрида архитекторларнинг мамлакат шаҳар ва қишлоқларини меъморий режалаштириш масалаларига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз-нинг барча вилоятларининг мутахассислар, меъмор-лар, лойиҳаушартириш ин-ститутлари раҳбарлари иш-тирок эди. Шаҳар бўйлаб ўтказил-

ган саёҳат чоғида янги қурилаётган биноларнинг жойлаштирилиши, иморат-ларнинг меъморий қиёфа-сини янада гўзаллаштириш ҳақида таклифлар билди-рилди.

Тежалган сув — мўл ҳосил кафолати

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз тумани-да Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхон-дарё, Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари вакиллари иштирокида минтақа-вий семинар ўтказилди.

Республика Фавқуллодда вазиятлар ҳамда Қиш-лок ва сув ҳўжалиги вазирликлари томонидан таш-кил этилган мазкур семинарда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида тўпланган тажри-ба, ечимини кутаётган муаммолар, Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг шу йил 27 апрелдаги «2007 йилда қўтилаётган сув танқислигини ет-ти-лаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори талабларидан кели-б чиқадиган вазифалар ҳақида батафсил фикр юритилди.

Тадбир қатнашчилари «Ҳисорак» сув омбори, «Оқсув-Танқоз» сувдан фойдаланувчилар уюшма-сининг иши билан танишдилар, фермерларнинг да-лаларида экинларни сугориш жараёнини кўздан ке-чирдилар.

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ОИЛАДАН БОШЛАНУР ВАТАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

шугулланаман. Бу дунёда одам боласи орзу-ҳавас билан яшайди. Биз ҳам турмуш йўлдошим билан қўнғирот ниятларини дилга туканамиз. Худо хоҳласа, давлатимиз берган имтиёزلардан фойдаланган ҳолда фаолиятимизни кучайтириб, уй-жой шароитимизни янада яхшилаб олоқчимиз. Биз ёшлар учун катта гамжўрлик кўрсатаёт-ган, бугунимизнигина эмас, эртаимизни ҳам ўйлаётган Президентимизга минг-минг раҳмат!

Тўрт ўғлим бор, — дей-ди Тошкентдан бизга сим қоққан Нишонбой Шамсуд-динов. — Иккитасини уйлаб чиқарганман, яшириб нима қилдим, янги ўйланган кен-жа ўғлимни уй-жой билан таъминлаш масаласида сал қўлимиз калталиб қилиб тур-ганди. Қўнғиротнинг уйда кели-лек-кеч билан яшаш осон эмас-да. Президентимизнинг ёш оилаларни моддий-маъ-навий жиҳатдан қўллаб-қув-ватлаш ҳақидаги Фармони билан танишиб чиққам, беҳад шодланиб кетдим. Фармон-да ҳокимият ва тегишли таш-килотларга ҳар бир вилоят маркази ва Тошкент шаҳри-да фойдаланилмаётган ётоқ-хоналар, уй-жойлар, қўнғирот-хонадоний уйлاردан бўш тур-ган хоналар неғизда оила-вий ётоқхоналар ва ёш оила-лар учун имтиёзли нархлар-да ижарага бериладиган квартиралар ташкил этиш ва-зифаси топширилди. Бу жинд улғу, савабни иш. Биз-нинг фарзандларимизга ўшаган уй-жойга муҳтож ёш оилалар кам эмас. Эндилик-да, Ўртбошимизнинг бу Фармони тўғрисида қўллаб ёшлар ўз уй-жой шароитла-рини яхшилаб олишади.

Фармонда янги уй-жой қуриш, сотиб олиш, таъмир-лаш учун банкдан маблағ ол-ган оилаларга солиқ тўлов-ларида бир қатор енгиллик ва қўлайликлар яратилгани ҳам айни муддао бўлибди, — дейди бизга кўнғирот қилган яна бир юртдошимиз, на-манганлик Бузахро Бойбобо-ева. — Бу имтиёزلар олин-ган маблағлардан унумли фойдаланиш имконини бера-ди. Уй-жой шароитини яхши-лаб олган одамнинг кайфи-яти ҳам, қилаётган ишига му-носабати ҳам бутунлай бош-кача бўлади. Президентимизнинг бу Фармони жуда кўп-лаб хонадонларга шод-хуррамлик олиб қиради. Ёшларимизнинг ўз Ватанига, халқига бўлган меҳру ило-сини янада оширади.

Дарҳақиқат, бу ҳаётбахш ҳўжат Ўртбошимизнинг истиклол йилларида инсон ва унинг фаровонлиги, ёш ав-лод келажаги, қамоли йўли-да олиб бораётган оқилона сиёсатининг наинки даво-ми сифатида хонадонлари-мизга зиё, янгилик олиб кир-ганлиги ҳам, ёш оилаларни-миздан тортиб, кекса отахон-онахонларимиз кўнглини ҳам тоғдек кўтариб юборганлиги айни ҳақиқатдир. Зеро, жа-миятимизнинг янада тарақ-қий этиши, гуллаб-яшнаши бевосита оилага боғлиқ. Оила чаман ичида бир гул-дек раув. У мунтазам меҳр-муҳаббат, гамжўрлик ардоғи-да бўлса қўлф уриб яшнай-ди. Уни қўнғирот ҳам ўқитиш мумкин. Бу гамжўр-ликдан наҳмон гурқираб, яшнаб ўсади, воғга етади, ўзининг ширин-шарбат ме-валарини беради. Чунки унинг саҳий, қўли гул боғ-бони бор!

Н. НАРЗУЛЛАЕВ.



ТЕХНОЛОГИЯ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ

«Учқўрғон» акциядорлик жамияти Наманган вилоятидаги барқарор фаолият кўрсатаётган санот корхоналари-дан бири ҳисобланади. Бунинг боиси шуки, жамоада ишлаб чиқаришга янги технологияларни жалб этиш, мавжуд линияларни модернизация қилиш, рационализаторлик таклифларидан унумли фойдаланиш аъзага айланган. Мисол учун, корхона ишлаб чиқариш цехларига Франциянинг замонавий

технологиялари жалб этилгандан сўн- махсулот сифати, тури ва унумдор-лиги сезиларли даражада ошди. Таъкидлаш жоизки, Ижтимоий хўмиё йилида жамият бошқаруви то-монидан ишчи-хизматчилар турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг маз-мули дам олиши ва даволанишлари учун етарли шарт-шароит яратиш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Бундан ташқари «Навбахор» футбол

клуби, чим устида хоккей бўйича «Хўмо» жамоасини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, болалар спортини ривожлантириш, шунингдек, қишлоқ врачлик шохобчаларини реконструк-ция қилиш ва таъмирлашга ҳам маб-лағ ажратилмоқда.

СУРАТДА: ишчи Одина Эрнатарова. Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Маълумотларга қараганда, ривожланаётган давлатларда ҳаддан ташқари кўп фойдаланилган тўғрисида йил миқдорда гектардаги ўрмонлар йўқ бўлиб кетмоқда. Ачинарлиси, наботот ва ҳайвонот оламнинг қўллаб турилиши ҳам йўқликка ўз тулмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, аслида уларнинг қисқариб бориши табиий ҳолат ҳисобланади. Аммо антропоген таъсир оқибатида бу жараён жамий миқёсида 50-100 мартагача тезлашган. Яхшиямки, бу йўқотишнинг нохуш оқибатларини кеч бўлса-да, англаб етдик.

БАҒРИНГ БУТУН БЎЛСИН, ОНА ТАБИАТ!

Бугун бутун дунё афкор оммаси табиат муҳофазаси-га жиддий эътибор қарата-япти. Бунда, айниқса, БМТнинг ташаббуси билан 1992 йили имзоланган Биологик хилма-хиллик тўғриси-даги Конвенция туртки бўлди. Натижада мазкур ҳўжжати ратификация қил-ган 200 дан ортиқ давлатда, жумладан, республикамизда ҳам 22 май «Биохилма-хил-ликни сақлаш кўни» сифати-да нишонланмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасидан маълум қилинса, ўлкамиз ҳайвонот ва наботот олами ниҳоятда бой. 4,5 мингга яқин ёввойи ўсимлик, 2 мингдан зиёд замбуруғлар, шунингдек, 677 турдаги умуртқали ҳамда 15 ми-нгдан ортиқ хилдаги

умуртқасиз ҳайвон мавжуд. Гарчи бу оламнинг умумий ҳолати нисбатан яхши бўлса-да, асосан антропоген таъсир остида қўллаб ҳайвон турла-рининг яшаш жойлари қисқа-риб, баъзилари эса бутунлай йўқолиб кетди. Турон йўл-барси, гепард, туркман қўло-ни, Орол сулаймон бағиши шу-лар жумласидандир. Яна ўндан зиёд ҳайвон ҳамда ҳаёт шарт-лар ҳаёти хавф остида қолган. Ўсимликларнинг 400 хил эса жиддий муҳофазага муҳтож. Ҳўш, биологик турли-ту-манлиқни сақлаш учун нима қилиш керак? Мутахассис-ларнинг фикрича, бунинг си-налган, шунингдек, энг самар-рали усули қўриқхона синга-ри беҳавотир экотизимни ву-жудга келтиришдир. Мамлакатимизда истиклол

йилларида 9 та давлат қўриқ-хонаси, 2 та миллий боғ, 2 та экомарказ фаолият қен-гайтирилиб, «Қизил китоб» та киритилган, йўқолиш эҳтимо-ли бор наботот ва ҳайвонот турлари парваришланяпти. Энг муҳими, ўсимлигу жони-ворларни асраб-авайлаш ма-саласи айни пайтда тегишли қонунлар асосида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Бу каби саъй-ҳаракатлар ўз самарсини бераётир. Маса-лан, анзур ва Суворов пиёз-лари кўпайди, энг камёб ўсимликлар сирасига кири-тилган «Минквиц тезими»-нинг тури 7 тадан 17 га чам-а етди. Жониворлар бўйича ҳам шундай ижобий мисол-ларни келтириш мумкин. Ўзбекистон ўсимлик ва ҳайвонот дунёси амалий жи-

Қисқа саҳраларда

Тоғлар қўйнидаги мактаб

Нурота тизма тоғлари орасида жойлашган Пастқўча қишлоғида янги мактаб биноси фойдаланишга топши-рилди.


240 нафар ўқувчи таълим оладиган мактабни вилоят-даги «Цементмонтаж» қурилиш корхонаси бунёдкорлари барпо этишди. Улар қисқа фурсатда 140 миллион сўмлик-ка яқин иш бажардилар.

Қардош санъаткорлар Жиззахда

Жанубий Қозғистоннинг Чимкент вилояти Ўзбек дра-ма театри санъаткорлари Жиззахда ўз томошаларини на-мойиш этишди.

Театрнинг «Хизматдамм, хизматда» ҳамда «Уч кунлик дунё» саҳна асарлари шаҳар ва туманлар аҳли томони-дан илиқ кутиб олинди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



хатдан қайта хатланмаган эди. Мана, икки йилдирки, мутахассислар ушбу иш би-дан машғул. Утган вақт ичи-да Жиззах, Навоий вилоят-ларида давлат кадастри юри-тилди. Айни пайтда бу юмш Қорақалпоғистон Республи-касида давом этирилмоқда. Экспертларнинг хулосаси-га таяниб айтадиган бўлсак, бу борада муваффақиятлар билан бирга муаммолар ҳам оз эмас. Айни шу нарса бар-чани ҳамжихатликда ҳаракат қилишга ундайди. Негаки, эртанги кунимизнинг қандай кечиси табиатнинг биохил-ма-хиллиги билан ҳам чам-барчас боғлиқ. Шундай экан, унинг муҳофазасига ҳар би-римиз масъуллигимизни унутмайлик.

Саид РАҲМОНОВ.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

«ИСТИҚЛОЛ»ДАН ПЕКИН МАЙДОНЛАРИГА

Пойтахтимиздаги «Истиқлол» спорт мажмуаси икки кун давомида ўзбек футбол фидоиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган I Республика ноғиронлар спорт ўйинларига мезбонлик қилди.

Мусобақа Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Паралимпия ассоциацияси, «Нур» ноғирон тадбиркорлар ассоциацияси ва Ўзбекистон ноғиронлар жамияти ҳамкорлигида ташкиллаштирилди. Унда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган ўн та жамоа мини-футбол ва волейбол бўйича ўз омадларини синаб кўрдилар.

— Эсингизда бўлса, футбол бўйича «Матонат» (собиқ «Байналмилал») жамоаси жаҳон ва кўнра микёсидаги турнирларда доимо совриндорлар сафидан жой олиб келишган, — дейди

«Нур» ноғирон тадбиркорлар ассоциацияси раиси Фарход Абдурахмонов. — Бугун ўтказилган турнирдан кўзланган асосий мақсад келаси йили Пекинда бўлиб ўтадиган навбатдаги Паралимпия ўйинларида қатнашадиган Ўзбекистон терма жамоасини шакллантириш. Республика ноғиронлар ўйинларини келгусида аънанавий тарзда ўтказишга келишиб олдик. Навбатдаги ўйинлар қаторига оғир атлетика, стол тенниси, армрестлинг, шахмат-шашка ва дартс спорт турлари ҳам қўшилди.

Икки кун давом этган беллашувлар якунига кўра,



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

мини-футболдан Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари жамоалари совриндорлар сафидан жой олишди. Волейбол (эркаклар) бўйича «Нур», «Марказ» (Тошкент ш.), «Ешлар» (Тошкент в.),

«Навоий» (Навоий в.) жамоалари, аёллар ўртасида эса «Навоий» ва «Меҳр қадам» спортчилари пешқадам бўлишди. Шунингдек, кўплаб номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди.

«Қурувчи» «Пахтакор»га бас келди

Футбол бўйича мамлакат XVI миллий чемпионатининг ўнинчи тур учрашувлари якунланди.

Турнинг марказий учрашуви Тошкентда «Қурувчи» — «Пахтакор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Сергей Лушан ва Элдор Магдеевлар киритган голлар ўйиннинг (1:1) дуранг натижа билан якунланишини таъминлади. Медаллар учун курашда «Нефчи» ўз майдонда «Самарқанд-Динамо»ни 3:1 ҳисобида доғда қолдирди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Бухоро» 2:0, «Андижон» — «Навбахор» 3:1, «Вобекент» — «Кизилқум» 2:4, «Локомотив» — «Машъал» 0:0, «Шўртан» — «Тўпалан» 1:0.

БОШ СОВРИН ҲАМЮРТЛАРИМИЗДА

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуасида тазквондонинг ИТФ йўналиши бўйича «Амир Темур» кубоги учун II аънанавий халқаро мусобақа бўлиб ўтди.



Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика тазквондо (ИТФ) миллий ассоциацияси ҳамкорлигида уюштирилган мазкур турнирда ўзбекистонлик спортчилар

билан бирга, Россия, Қозғоғистон ва Қирғизистондан келган икки юз нафарга яқин 11-16 ёшли «Қора белбоғ» соҳиблари бўлган ўсмир ва қизлар куч синашдилар.

— Ушбу мусобақа «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури доирасида ўтказилди, — дейди республика тазквондо (ИТФ) миллий ассоциацияси президенти Пулат Усмонов. — Асосий мақсадимиз тазквондо билан шуғулланувчи ёшларимиз орасидан юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган номзод спортчиларни саралаб олишдан иборат.

Икки кун давом этган мурасасиз беллашувлар якунига кўра, мамлакатимиз спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритдилар. Иккинчи ўрин Россия, учинчи ўрин эса Қозғоғистон терма жамоалари вакилларига nasib этди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
Т. ҚУРБОНБЕКОВ
олган сурат.




Хоразмлик талаба-спортчилар пойтахтимизда бўладиган «Универсиада-2007» мусобақаларига қизгин ҳозирлик қиришмоқда.

ХОРАЗМДА ТАРАДДУД ҚИЗГИН

— Бундан уч йил муқаддам Самарқанд шаҳрида ўтказилган универсиада мусобақаларида 16 та жамоа орасида 2 та кумуш, 7 та бронза медали билан 8-ўринни эгаллаган эдик, — дейди Урганч давлат университетининг жисмоний маданият факультети декани Уктам Матназаров. — Бу хоразмлик талаба ёшлари қизиқтиради, албатта. Бу сафар натижани яхшилаш мақсадида универсиада дастуридаги 12 та спорт тури бўйича машғулотлар юқори даражада олиб борилаяпти. Етти та замонавий спорт иншоотлари иштирокида.

Волейбол бўйича қизлар жамоасини тажрибали мураббий Ёвбосар Шомуродов мусобақаларга тайёрлапти. Волейболчи қизлар 2004 йилда Самарқандда бўлиб ўтган универсиада мезбонлар терма жамоасидан бошқа барча рақиблар устидан йирик ҳисобда ғалабага эришган эдилар. Зулайхо Тулиева, Дилфуза Жавақова, Шаҳноза Эриббетова, Мархаб Пирназарова каби волейболчи қизларимиз «Универсиада-2007»да ҳам бош соврин учун баҳс юритишни мақсад қилиб қўйишган.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ТУРКИЯНИНГ «МЕРИДИАН» ХАЛҚАРО КОМПАНИЯСИ

СИЗЛАРНИ 2007 ЙИЛ 23-26 МАЙ КУНЛАРИ «O'ZKO'RGAZMASAVDO» МАЖМУАСИДА ЗАМОНАВИЙ КИЙИМ-КЕЧАК ВА МАТОЛАР, УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖИҲОЗЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИГАН «ЎЗБЕК ФЕЙШН ЭНД ТЕКСТИЛЬ» ВА «ЎЗБЕК ИНДУСТРИАЛ ЭКСПО-2007»

КЎРГАЗМАЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

КЎРГАЗМА ДАВОМИДА СИЗНИ АЖОЙИБ СЮРПРИЗЛАР КУТАДИ. ТАШРИФ — БЕПУЛ. МАНЗИЛ: ТОШКЕНТ Ш., БЕРУНИЙ К., 41-УЙ (МЕТРОНИНГ «БЕРУНИЙ» БЕКАТИ). МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 393-10-52, 227-10-52.



«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ

БАРЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИ «ПОЧТА ОРҚАЛИ РЕКЛАМА» (DIRECT MAIL) ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

«Почта орқали реклама» қилишда сиз ўзингизни қизиқтирган миқозлар гуруҳига хат орқали муурожаат қилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотингиз ёки кўрсатаётган хизматингиз тўғрисида тўлиқ маълумотларни буклет, флаер, прайс-варақа, каталог ва маҳсулот намуналарини почта орқали юбориш имкониятига эга бўласиз.

Сизни қизиқтирган истеъмолчилар гуруҳини танлаш ва реклама хатини тайёрлашда ёрдам берамиз.

Рекламангизни белгиланган муддатда ва шахсан сиз танлаган истеъмолчиларга етказиб беришга кафолат берамиз.

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, 100000, А.Толстой кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 133-57-47, 132-00-33, факс: 136-09-21.

Сайт: www.pochta.uz E-mail: oao@post.uz

Курувчи, тадқиқот ва кадастр ташкилотлари диққатига!

- қурилишда ишлатиладиган ўлчов-тадқиқот асбоб ускуналари;
- бузмасдан текшириш ва техник диагностика ўлчов асбоблари;
- оптик ва рақамли нивелирлар, оптик ва электрон теодолитлар;
- лазер ва электрон масофа ўлчагичлар;
- фиброгласс ва темирли узунлиқни ўлчовчи рулеткалар (3 м, 5 м, 8 м, 20 м, 25 м, 50 м, 100 м);
- электрон тахеометрлар, GPS/ГЛОНАСС — тизимлари, GARMIN шахсий ва автономгадорлари.

Тўловни узайтириш имконияти билан, божхонада расмийлаштирилган ва сертифициланган GPS тизимларини таклиф этамиз.

Кредитга расмийлаштириш имконияти

Тошкент ш., Навоий к., 2-«А» уй. Тел.: 142-46-31, 134-53-66. Факс: 134-53-68.
E-mail: qeo_inform@yahoo.com. Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияга эга.

СҚБ СТРОЙПРИБОР SOUTH 南方测绘 Trimble В.В. (Нидерланды) SPECTRA

«SITWET INVEST» КК

Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида дилерликка мойил бўлганларни ишга таклиф этади.

Дилернинг асосий вазифаси кўшма корхонада ишлаб чиқарилган ва оғирда мавжуд бўлган қуйидаги маҳсулотларни сотишдир:

- фермер ва деҳқонлар ишлатиладиган 80 см. лям пидэ, карам ва бошқаларни солиш учун тўр қоплар;
- фермер ва деҳқонлар учун хўжалиқлар ҳамда қурилишларда ишлатиладиган ингичка лент-арқон (лента-шпагат);
- сомон боғлаш учун деҳқонларга ингичка арқон (шпагат);
- юк автомобиллари учун автошиналар (240-508R, 260-508R, 280-508R).

Маҳсулотлар сертификатланган. Меҳнат ҳақи — келишган ҳолда. Телефонлар: 135-09-23, 142-50-34. Манзил: Тошкент шаҳри, «Даво» даҳаси, Хўршид кўчаси, 1-«Б» уй.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГТА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изостармик, вакуумли ассенизаторлар, автоидрокураторлар, автоустуноналар, бургулаш (буровые), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.

АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилги ташийдиган, самосваллар.

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тежор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

«ТОШКЕНТ-РЕЗИНА» МЧЖ
(собиқ Тошкент резина-техника буюмлари заводи)

БУЮРТМА БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ РЕЗИНА-ТЕХНИКА БУЮМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАБ БЕРАДИ:

- қолипчи резина-техника буюмлари;
- қолипсиз резина-техника буюмлари;
- кислота, ишқор, мой ва бензинга чидамли техпластина;
- кислота, ишқор, мой ва бензинга чидамли хом товар резиналари.

Мурожаат учун телефонлар: 279-87-02, 279-87-04, 326-05-18, 326-05-19. Факс: 166-62-21. E-mail: karimov timur@rambler.ru

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жамоаси Комиссия аъзоси Маҳаммадjon Хўжаева акаси Усмонов ХУЖАЕВНИНГ вафот этилиши муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси Бош муҳаррир ўринбосари Алимкул Султоновага отаси Тошбек СУЛТОНҚУЛОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

Тошкент Давлат авиация институти жамоаси бош механик Абдуваҳоб Абдулҳаевга падари бузруквори АБДУЎЛАЙ отанинГ вафот этилиши тўғрисида чуқур таззия ихзор этади.

«Кафолат» Давлат-акциядорлик сугурта компанияси жамоаси компаниянинг Тошкент шаҳар филиали директори Бахтиёр Мирзахмедовага ўғли БОТИРЖОННИНГ вафоти муносабати билан чуқур таззия ихзор этади.

Навоий вилояти ДАКН инспекцияси жамоаси Республика Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг ўринбосари Олимжон Юлдашевга турмуш ўртоғи Лола ЖУМАХОДЖАЕВНИНГ вафот этилиши муносабати билан чуқур таззия ихзор этади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 33493 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамил Тогаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — М. Ходиятова. Навбатчи — О. Файзиёв. Мусасхона — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 24.00 Топширилди — 00.10 1 3456